

ЎЗБЕКИСТОН



ОҲВОЗИ

ЎТМОЙИ-
СИЙОСИ
ҒАЗЕТА

■ 2003-ЙИЛ ■ 9-СЕНТАБР ■ СЕШАНБА ■ 110 (27.130) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-йил 21-йундан чиқа бoshлаган.

МАЛАЙЗИЯ ҚИРОЛИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Малайзия Қироли Янг Ди-Пертуан Агонг XII Туанку Сайед Сиражуддин Сайед Путра Жамалуллайл зоти олийлари 7 сентябрь куни давлат ташрифи билан Ўзбекистонга келди.



Конституциявий монархия ҳисобланган Малайзия федерал давлат бўлиб, 13 штатдан иборат. Уларнинг тўққизтасида ҳокимият ворислари ҳукмдор, тўрттаси губернаторлар томонидан бошқарилади. Ворис ҳукмдорлар 5 йил муддатга Янг Ди-Пертуан — олий ҳукмдорни сайлайди. 2001 йилнинг декабрида бу юксак лавозимга Перлис ҳукмдори Туанку Сайед Сиражуддин Жамалуллайл сайланган.

Конституцияга биноан, Янг Ди-Пертуан ҳукумат ва парламент тавсияларига таянган ҳолда давлатни бошқаради. Ҳукумат қарорлари Қирол томонидан тасдиқланади. Олий бош қўмондон ҳисобланадиган Янг Ди-Пертуан парламент қабул қилган қонунлар, Бош вазир номзоди ва Федерал (Олий) суд таркибини тасдиқлайди.

8 сентябрь куни Дўрмон қароргоҳида олий мартабали меҳмоннинг расмий кутиб олиш маросими бўлди. Қирол шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов ва Малайзия Қироли Туанку Сайед Сиражуддин Жамалуллайл шохсўпага кўтарилди. Давлат мадҳиялари янгради. Ўзбекистон ва Малайзия раҳбарлари фахрий қоровул сафи олдидан ўтди.

Ислоҳ Каримов ва Туанку Сайед Сиражуддин Жамалуллайлнинг яқинлашган суҳбатда икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш, шунингдек, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик,

хавфсизлик ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама этилди.

Малайзия Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб Ўзбекистон мустақиллигини тан олган. 1992 йилнинг июнида Президент Ислоҳ Каримов расмий ташриф билан ушбу мамлакатга борганидаёки икки томонлама алоқа-

ларни мувофиқлаштирувчи муҳим ҳужжатлар қабул қилинган эди. 1993 йилнинг апрелида Бош вазир Махатхир Мухаммад Ўзбекистонга келди ва ташриф чоғида муносабатларнинг ҳуқуқий асоси янада бойилди. Мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор ҳукумат делегацияларининг ўзаро ташрифлари билан амалга ошириш, вазирлик ва муассасалар, ишбилармон ва

илмий доираларнинг мулоқотларини ривожлантиришга имкон яратди.

Айни пайтда Ўзбекистон — Малайзия муносабатлари ҳар жаҳада жадал ривожланмоқда. Орадаги масофа нисбатан катта бўлишига қарамай, икки мамлакат савдо-иқтисодий алоқаларини ривожлантириш ва товар айирбошлаш ҳажмини оширишга ин-

тилиб келмоқда. Айни пайтда Ўзбекистонда Малайзия сармоядорлари иштирокида тузилган 18 қўлма корхона фаолият юритмоқда. Айниқса «Hotel Uzbekistan», «Uzmacom», «Uzbekleasing international» каби корхоналар номи юртдошларимизга яхши таниш.

Маданият, илм-фан ва таълим соҳаларидаги ҳамкорлик ҳам катта суръат билан ривож топмоқда. 1998 йили «Ўзбекистон — Малайзия» дўстлик жамияти тузилган. Икки мамлакат академиялари, олий ўқув юрталари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандумлар имзоланган. Малайзиялик санъаткорлар «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг доимий иштирокчиларидир.

Айни пайтда мамлакатларимизда савдо-иқтисодий ва сиёсий йўналишларда, маданият, илм-фан ва таълим соҳаларида ҳамкорликни янада ривожлантириш учун имкониятлар кўп.

Малайзия «Осиё йўлбарслари» номини олган давлатлар қаторига кириди. У Япониянинг катта суръатли иқтисодий ўсиш моделига таяниш, хорижий технология ва сармоя жалб этиш, саноати ривожланган давлатларнинг илгор тажрибасини ўзлаштириш, импорт ўрнини қоплаш ва экспорт салоҳиятини ошириш, ижтимоий-сиёсий барқарорлик туфайли иқтисодийни замонавийлаштириш, ижтимоий соҳани ривожлантиришда катта муваффақиятларни қўлга киритган. Ўтган асрнинг 90-йиллари ўрталарида Малайзия макроиқтисодий кўрсаткичлар бўйича ривожланаётган давлатлар орасида илгорлар сафидан жой олиб, айрим ривожланган давлатларга тенглашиб олди. 1997 йили Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида рўй берган иқтисодий инқироз Малайзия ўсишига ҳам салбий таъсир кўрсатган бўлса-да, мамлакат унинг асосатларини қисқа вақт ичида бартараф эта олди. Ўтган йили ялпи ички маҳсулот

ГЕРМАНИЯДАН ЎЗБЕКИСТОНГА

Германия пойтахтининг Берлин-Митте райони соғлиқни сақлаш идораси ва мамлакатнинг бошқа ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги марказий госпиталига умумий миқдори 590 минг еврога тенг инсонпарварлик ёрдами юборишди.

Ўзбекистонга инсонпарварлик ёрдами бериш орқали мамлакатимиз билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўяётганлар сирасига бугун Германиянинг кўплаб давлат ва нодавлат ташкилотлари, хусусий компаниялар ҳамда Германияда фаолият олиб бораётган хорижий ташкилотлар ваколатхоналарини киритиш мумкин.

Бу галги умумий оғирлиги 24 тонналик инсонпарварлик ёрдами асосан жароҳлик ва ички касалликларни даволашга мўлжалланган тиббий ускуналари, муолажа столлари, гидравлик кроватлардан иборат.

Аслам АҚБАРОВ,
«Жаҳон» ахборот агентлиги,
Берлин.

ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИНИНГ ЯНГИ ГРАНТИ

Тошкент. (ЎЗА мухбири Х.Содиқова). Соғлиқни сақлаш вазирлигида Осиё тараққиёт банки (ОТБ)нинг «Аёллар ва болалар саломатлигини яхшилаш» грант техник кўмагининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Мазкур грант учун 500 минг АҚШ доллари ҳажмидаги маблағни Япония ҳукумати томонидан молияландирилган Япония махсус фонди ажратган.

ОТБнинг янги лойиҳаси Ўзбекистон соғлиқни сақлаш соҳасида биринчи ҳисобланади. У она ва бола соғлиқини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш ва уйғунлаштиришга ёрдам бериши кутилмоқда.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мамлакатингизнинг миллий байрами муносабати билан Греция халқи ва шаҳсан ўз номидан Сиз Жаноби Олийларига гоят қизгин қутловларини йўллайман.

Ушбу имкониятдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқига тараққиёт ва раванқ, шаҳсан Сизга бахт-саодат тилаб билдирган гоят самимий истакларимни изҳор этаман.

Константинос СТЕФАНУПОЛС,
Греция Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мухтарам Президент Жаноблари, Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллиги эълон қилинган куннинг 12 йиллиги муносабати билан поляк халқи ва шаҳсан ўз номидан Ўзбекистон халқи ва шаҳсан Сизга самимий қутловлар ҳамда эзгу тилаклар йўллайман. Сизни ишонтириб айтмоқчиманки, Ўзбекистонда демократик тартибни мустаҳкамлаш ва уни ҳар томонлама ривожлантириш манфаатлари йўлидаги интилишларингизни кўплаб-қувватлайман.

Давлат мустақиллигининг ўрнатилиши ҳар бир халқ учун тарихий воқеадир. Ўтмишда мустақилликдан маҳрум бўлишни бошидан оғир кечирган халқ сифатида биз, поляклар бунди, айниқса, яхши англаймиз.

Айни шунинг учун ҳам ўзбек халқининг замонавий давлат, хозирги Ўзбекистонни барпо этишдан иборат ишга ҳурмат билан қараймиз. Масъулиятли ва муҳим шерик бўлиши Ўзбекистон халқро майдонга тобора катта роль ўйнамоқда.

Ишончим комилки, халқаро муносабатларда Ўзбекистоннинг фаолияти ортб бораётганлиги поляк — ўзбек ҳамкорлигини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга кўмаклашди, бу ҳамкорлик кейинги йиллар мобайнида янада жўшқин тус олди. Сизнинг яқинда Польшага бююрган ташрифингиз мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга алоҳида муҳим ҳисса қўшдики, мазкур ташриф поляк — ўзбек мулоқотларига аънанавий равишда хос бўлган дўстлик ва ўзаро ҳурмат муҳитини яна бир қарра тасдиқлади.

Сўнгги ўрашувимизнинг самимий муҳитини ёдда сақлаган ҳолда, Сизнинг Президентлик фаолиятингизда чин қалбдан муваффақиятлар, шунингдек, шахсий ҳаётингизда бахт-саодат ва омонлик тилаб қоламан.

Камоли эҳтиром ила,
Александр КВАСЬНЕВСКИ,
Польша Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мухтарам Президент Жаноблари! Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами — Мустақиллик куни муносабати билан Сизни ва Сиз орқали бутун ўзбек халқини самимий эҳтиром ила муборакбод этаман.

Венгەر — ўзбек давлатларига алоқалари кўп томонлама ва халқларимизнинг ўзаро манфаатларига мос равишда ривожланиб бораётганлиги менга қувонч бахш этади.

Мухтарам Президент Жаноблари, Сизга улкан муваффақиятлар ва мустаҳкам соғлиқ, ўзбек халқига эса мамлакат олдида турган вазифаларни амалга ошириш, венгەر — ўзбек ҳамкорлигини мустаҳкамлашдан иборат аниқ мақсад йўлида меҳнат қилишни тилаб қоламан.

Ҳурмат билан,
Ференц МАДЛ,
Венгрия Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ҳурматли Президент Жаноблари, Сизни мамлакатингиз миллий байрами — Мустақиллик куни билан табриклашга ижозат бергайсиз.

Ўзбекистон давлат суверенитети эълон қилинганлигининг 12 йиллиги арафасида Сизга келгусида омадлар тилайман. Ишончим комилки, Чехия Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги алоқалар ўзаро шерикчилик, ишонч ва манфаатли ҳамкорлик руҳида янада чуқурлашиб ва ривожланиб бораверади.

Вацлав КЛАУС,
Чехия Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами нишонланиши муносабати билан Сиз Жаноби Олийларига ўз номидан, Тунис ҳукумати ва халқи номидан қизгин табриқларимиз ва эзгу тилақларимизни йўллашдан бахтиёрлигимни изҳор этаман. Сизга сийҳат-саломатлик ва бахт-саодат, биродар ўзбек халқига доимий тараққиёт ва раванқ тилайман.

Шунингдек, ушбу саодатли фурсатдан фойдаланиб, Сизга халқларимиз манфаатини қўзлаб мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш йўлида биргаликда ишлашга тайёрлигимизни маълум қилишдан мамнуллигимни билдираман.

Зан ал-Обидин бин АЛИ,
Тунис Республикаси Президенти

ВАТАННИНГ БИР СИҚИМ ТУПРОФИ...



Токио сиёсий фанлар Миллий институти магистратураси битирувчиси Ўткиржон Муйсиналиев кун кеча тахририятимизга кўнгироқ килди.

— Ўйлаб-ўйлаб сизларга кўнгироқ қиламан, — деди у. — Одам бундай пайтда ҳажонланаркан. Бир оғиз бўлсам ватандошлар билан гаплашгингиз, кўнгилдаги гапни айтгингиз келаркан. Сизларни, бутун Ўзбекистон халқини мустақиллигимизнинг 12 йиллиги байрами билан табриқлайман...

— Ўткиржон, газетамизнинг 2003 йил 17 апрель сонидан сиз билан суҳбатимиз эълон қилинганди...

— Газетанинг ўша сонини олиб жуда қувондим. Япониялик дўстларим билан бирга ўқидик. Мана, магистратурани ҳам байрамлар мавсуми бўлди. Япония дунёнинг энг гузал мамлакатларидан бири. Одамлари меҳмондўст. Лекин Ўзбекистоннинг бир сиқим тупроғига бутун дунёни айлантирдик. Одамларимиз меҳри, ўзбек овозини, дастурхонларимиздаги нонни, ота-онамни, дўстларимни жуда соғиндим...

— Ватандошларимизга қандай тилақларингиз бор.

— Мустақиллик байрами билан табриқлайман. Юртимизда тинчлик бўлсин. Тенгдошларимга алоҳида истагим — юрт равнақи йўлида меҳнатларини аямасинлар... Юртбошимиз биз ёшларга кўрсатган ишончнинг оқлаш учун ҳар биримиз фидойи бўлишимиз керак.

Суҳбатдош: Фаррух ҲАМПОЕВ

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг 2003 йил 29 август куни Ироқнинг Ан-Нажаф шаҳрида содир этилган террорчилик ҳаракати муносабати билан берган БАЁНОТИ

Ўзбекистон шу йилнинг 29 августида Ироқнинг Ан-Нажаф шаҳрида содир этилган террорчилик ҳаракатини қатъий қоралайди. Бегуноҳ одамларнинг ўлими бизнинг ғазабимизни кўзгади, қайғуга солди, ҳалок бўлганлар ва жабр кўрганларнинг оила аъзолари ва яқин-

ларига чуқур ҳамдардик билдираимиз. Ҳоқ миллий, ҳоқ диний ёки сиёсий бўлсин, ҳеч бир гоё ёки мақсад гайриинсоний хатти-ҳаракатларни оқлай олмайди, бундай хатти-ҳаракатларнинг барчаси терроризмдан бошқа нарса эмас.

Бу фожиа осойишта, демократик ва фаровон давлат қуришга бел боғлаган Ироқ халқининг қатъиятини синдира олмайди, деб ишонч билдираимиз.

Тошкент шаҳри
2003 йил 5 сентябрь

Долзарб мавзу

НАФС БАЛОСИ

«Менинг нафсим балодир, ёнар ўтга салодур», деган теран мазмуни, пурҳикмат ибора бор. Унинг замирида инсоний тавба-тазарру, хавфу хатардан огоҳлик, покдомонликка ундов ва бошқа бир қанча маънолар ётганини англаш, ўқиб олиш қийин эмас. Бинобарин, нафс қулига айланган қанча-қанча зотлар унинг қурбони бўлдилар, нафсини тийганлар, жилволаганлар эса инсоний камолотнинг олий чўққисига кўтарилдилар. Тарих соҳасида жаҳон миқёсида тенги кам олимлардан бўлган шайх Махмуд Камолга бир бой давлатмандлигидан керилиб дебди:

— Сизга қанча пулу олтин керак бўлса, мана мендан сўрамайман!
— Йўқ, — дебди шайх. — Мен қулимнинг қулидан нарса сўрамайман!
— Ия, қанақасига сизга қул бўлай? — дарқаҳр бўлибди бой. Шайх жавоб берибди:
— Нафс менинг қулим, сен эса нафсининг қулисан!
Нафс ҳақида бундай ривоятлар тарих қатида беҳисоб. Хўш, нафсининг ўзи нима? Нега у инсонни бу қадар жунбушга келтиради? Қуйидаги мақолада шу ва шу сингари саволларга жавоб топишга ҳаракат қилинган.

1. НАФС ТУШУНЧАСИ ҲАҚИДА

Нафс тушунчаси даставвал ислом дунёсининг муқаддас китоби Қуръонда ишлатилган бўлиб, тасаввуф фалсафасининг асосий категорияларидан ҳисобланади. Хозирги замон психологиясидаги фрейдизм концепцияси маълум маънода унинг давомидир. Нафс тушунчаси физиология, диеталогия, ахлоқ-одоб, ижтимоий муносабатлар, умуман, меъёр тарозуси муаммоларидан берибди.

Нафс дейилганда гап жамият ҳақида эмас, аввало, айрим бир шахс ҳақида кетади. Гоҳо, «Мен», «Ўзим», «Менинг ўзим» — сўзининг ҳар хил ишлатилишидир.

«Нафс», яна «жон» ўрнида ҳам ёзилади. Демак, араб тилидаги «нафс» ўзбек тилида, асосан, «нафс» ва «жон» терминлари шаклида қўлланилади ва улар аслида бир-бирларидан фарқ қилади. Масалан, «Менинг жоним ширин» дейилса, «Унинг нафси бузук» дейилиши бунга далилдир.

Бундай фарқ Қуръоннинг таржимасида ҳам кўриниб турибди: «Мен нафсимни оқлайман. Чунки нафс агар Парвардигоримнинг ўзи раҳим қилмаса — албатта, барча ёмонликларга буюрувчидир».

Маълумки, ўсимлик, ҳайвон, одам — жонворлардир, жонли дунё. Уларнинг ҳаммаси ташқи муҳитдан озуқа, ҳаво, сув, энергия оладилар ва унинг эвазига нимандир ташқарига чиқарилар. Ўсимликлар нафси чегараланган, улар ортиқча озуқа олишга хоҳишлари йўқ. Ҳайвонлар бўкиб қолиши мумкин. Одамлар эса озиқ-овқатларни керагидан ортиқча истеъмол қилиб юборишлари, маст бўлиб қолишлари мумкин. Демак, меъйрдан ошган нафс зарарлидир.

2-бет

БИЗНЕС БАНК
ЭНГ ЯХШИ АНЪАНАЛАРДА

ЎЗХДП МК МАТБУТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Мустақиллик бағрига бағиш

Ўзбекистон ХДПнинг барча даражадаги ташкилотларида миллий истиқлолнинг 12 йиллиги доирасидаги тадбирлар ўтказилди. Сермазун ва шуқул тарзда бўлиб ўтган байрам тадбирларида мустақилликнинг кадр-қиммати, унинг бизга берган неъматлари тилга олинди, партияимиз ва унинг эришган ютуқларида истиқлол берган имкониятлар эътибор этилди. Жумладан, партиянинг Чуст туман кенгаши томонидан байрам тадбири шир Чустий номидаги истироҳат боғида ташкил қилинди. «Маънавият, шеърят ва санъат байрами» деб номланган тадбирда фаол қатнашчиларимиз ва ёшлар йигилганларни мустақиллик шодоналаридан куй-қушиқ ва шеърлар орқали баҳраманд этдилар.

ХДП мажур туман кенгаши маҳаллаларда мамлакатимизнинг 12 йиллик кутлуг туйи тантаналарини ўтказишга ўз улушини қўшди. «Навбахор», «Бўнон», «Тинчлик» ҳамда Оқубобоев номи маҳаллалар марказларида бўлиб ўтган байрам шодоналарига қатнашчиларга хурсандчилик улашди. Йигилганлар бир-бирларини энг азиз, энг улуг байрам билан кутладилар, истиқлол берган имкониятлар ҳақида ўртоқлашдилар. ХДП фахрийлари партия кенгашининг байрам совгалари топшириди.

Қибрай тумани марказидаги Мустақиллик майдонида катта байрам тантанаси бўлди. Туман ҳокими С.Тошқўжаев йигилганларни қизғин табриқлади ва мустақилликнинг 12 йиллиги муносабати билан ҳуқумат мукофотлари соҳибларига ҳамда турли спорт мусобақалари ғолиби бўлган бир гуруҳ йигит-қизларга эсдалик совгалари топширди. Шунингдек, туман ҳокими, ХДП Қибрай туман кенгаши ва «Камолот» ЕИХ туман бўлими номидан 14 нафар мустақиллик тенгдошига қимматлиқ совғалар берилди. Тадбир иштирокчиларини Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари А.Йўлдошев ва «Гулистон» журналы бош муҳаррири, таниқли шоир Азим Сулеймон қизғин кутладилар.

ХДП Охсатон туман кенгаши ҳам истиқлолга тенгдош ана шундай бир қатор ёшларни хурсанд қилди. Байрам арафасида уларга бир неча минг сўмлик ўқув қуроллари ҳадя қилинди. Шунингдек, тадбирда жамоат ишларига фаол қатнашаётган бир гуруҳ ёш ўқитувчилар ҳам Фахрий ёрликлар билан тақдирландилар.

Гулистон шаҳридаги «Бўстон» маҳалласи ҳудудий БПТда байрам «Обод маҳалла йили» тадбирлари билан ҳамроҳанг тарзда нишонланди. Тадбирда партия фаоллари, маҳалла оқсқоллари иштирок этдилар. Ташкилотчилар йигилганларни байрам билан табриқлаб, барчанинг эътиборини мустақилликни мустаҳкамлаш, бу борада бажарилиши лозим бўлган ишларга қаратдилар.

Янгийўл, Чирчиқ, Бекобод туман кенгаши «Мучалинг муоборак, мустақиллик тенгдоши» ширин остида қабул маросимларини ўтказдилар. Мустақилликка тенгдош бўлган қўллар ўқувчи ёшлар қабул қилиниб, улар учун катта байрам дастури уюштирилди. Ўқувчиларга байрам совғаси сифатида мактаб сумкалари ва ўқув қуроллари улашилди.

ХДП Асака шаҳар, Амударё туман кенгаши ҳамда Андижон шаҳридаги қатор бошланғич партия ташкилотлари томонидан ҳам, мустақилликнинг 12 йиллигига бағишлаб, турли тадбирлар ташкил қилинди ва уларда танловлар, концерт дастурлари уюштирилди.

ХДП Юнусобод туман кенгаши 26-сонли шифохона меҳнат жамоасида «Истиқлолнинг 12 йиллиги» мавзусида «давра суҳбати» ўтказди. Суҳбатни Тошкент молия институтини кафедра мудири, фалсафа фанлари доктори Нормурод Маматов олиб борди.

Шунингдек, Акмал Икромов туман партия кенгаши туман «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамкорлигида «Мустақиллик ва сиёсий истиқлол» мавзусида 56-сонли шифохона ходимлари ўртасида тантанали йиғилиш ўтказди. Партия фаолларига туман партия кенгаши томонидан Фахрий ёрликлар, ХДП сафига кирган бир гуруҳ ёшларга эса партия билетлари топширилди.

Истиқлолнинг 12 йиллиги доирасидаги худди шундай тадбирлар ЎзХДП Хоразм вилоят кенгаши ташаббуси билан ҳарбий қисм аскарлари ҳузурда, Урганч туман партия кенгаши томонидан маҳаллалар ва аҳоли марказларида, партия Наманган туман кенгаши масъул ходимлари иштирокида худудий бошланғич партия ташкилотларида, шунингдек, ХДП Андижон вилоят, Андижон, Қўқон шаҳар, Учкўрғон, Янгийўрғон туман кенгаши ташаббуси ва ҳомийлигида қатор меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда кўтаринки руҳда ўтказилди.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Одам тана ва жондан иборат. Тана моддий нарсасидир. Жон эса моддий жараён. Танани ушлаб турадиган, ўстирадиган восита нафсдир. Нафс, шунингдек, жонга дармон бериб туради. Бу ерда нафснинг ижобий вазифаси ҳақида гап кетаяпти.

Меъёридан ошган нафс одамга, бинобарин, жамиятга зарарлидир. Демак, нафс фақат озиқ-овқатни меъёридан ортиқ истеъмол қилиш эмас, шу билан бирга, керагидан ортиқча кийим-кечак, уй-жой, мол-мулк, тақинчок, манманлик, ортиқча обрўталабликка ҳирс қўйиш ҳамдир. Умуман, ортиқча нафс шахсининг турмушига зарар етказиши. Зарарланган шахслар эса жамият ривожини орқага суради. Шунинг учун илгарилари ҳам, ҳозир ҳам нафсни тарбиялаш ҳаётнинг, жамиятнинг, илм-фаннинг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Одам борки, нафс бор. Аввало, озиқ-овқатга бўлган нафс. Бу нафс болада она қорнидаги ҳаётдан бошланади, онадан озуқа олиб туради. Туғилган чақалоқ она сутини қиридади, топади ва эма бошлайди. Ҳамма нарсани оғизга олавериш, ёкмаган нарсаларга зарда қилиб йиғлай бериш, боғчада бошқа болаларнинг ўйинчоқларини тортиб олиш, қизғанчоқлик, кейинчалик яхши кийим талаб қилиш ва бошқа эгоистик аломатлар — буларнинг ҳаммаси нафснинг ҳар хил қўринишида намоён бўлишидир.

Мактаб ёшидан бошлаб, нафс икки йўналишга ажралди: биринчиси — нафси поклик, иккинчиси — нафси бузқулик. Шахс қайси йўналиш бўйича кетиши керак, бу шарт-шароит ва таълим-тарбияга боғлиқ. Ҳар бир одам ёшлаганидан нафс тарбиясига мурожаат қилиш керак, феъл-атвор, юриш-туриш, ҳулқ-қилқил, хатти-ҳаракат тақдири мана шундан бошланади. Тарихда нафс тарбиясига алоҳида эътибор берган фалсафий таълимот тасаввуфдир.

2. ТАСАВВУФНИНГ НАФС ҲАҚИДАГИ ТАЪЛИМОТИ

Тасаввуфнинг асосий тарикатларидан яссавий, суҳравардий, кубравий, нақшбанд

диди таълимотларида «нафс» тушунчасига кенроқ қаралган. Ҳозирги замон фалсафасида ва табиатшунослигида «нафс», «жон» ва «руҳ» тушунчаларини алоҳида-алоҳида таърифлаш талаб этилмоқда. Барибир, бу соҳаларнинг тарихий асоси буюк мутасаввифларнинг фикрларидир. Албатта, уларнинг ҳамма фикрлари эмас, балки ҳозирги замон одамлари учун фақат фойдали фикрлари бизни қизиқтиради.

Тасаввуф тарикатларидаги нафс тасавурулари орасида умумийлик ҳам, тафовут ҳам бор, албатта. Буюк мутасаввифлар асарларида нафс бир қанча поғоналардан иборатлиги айтиб ўтилган. Булар, нафси сафия, нафси марзия, нафси розия, нафси мутмаъна,

ориф-маънавият ҳануз етишмайди. Бу камчилиқни йўқотишга интилоқ лозим.

Нафси розия — ҳамма одамлар сабр-тоқатли бўлсин, дегани. Мисол. Эр ва хотин бир бодирингни иккига бўлиб ея бошлашди. Эри туғлаб ташлабди ва сўрабди: бу аччиқ бодирингни қандай қилиб еясан? Хотин: Сиз олиб келган ҳар қандай нарсани мен учун ширин.

Яъни бу поғона аломатлари: бориға барақа, озиға кўниш, мурувват, олижаноблик, руҳий қаноатланиш.

Лекин, ҳали нафс тўла тарбияланди, деб бўлмайди. Энди қилинадиган ишлар поғонаси мутмаъна дейилиб, бунда нафси хотиржам-сокин бўлмоғи ке-

рашани лаввома, маломағгүй нафс давом эттиради. Куръон (75:1-2): «Ва Мен маломағгүй нафсга қасам ичурманки (ҳеч шак-шубҳасиз қайта тирилиб, ҳисоб китоб қилинурсизлар).»

Ҳа, хотоларнинг ҳисоб-китоби бор. Шунинг учун эҳтиёт бўлиш яхши. Бу соҳада ҳали имкониятлар кўп, фақат улардан тўғри фойдаланиш керак. Уғрилик, ичкиликбозлик, харомхўрлик, бузқулик, мансабпарастлик ёмон эканлигига тўла ишонч туғилди, лекин амалда-чи? Бу қийин нарсаси. Амалгаётган ўзгаришларга кўпроқ эътибор бериш талаб қилинади.

Ва ниҳоят нафси аммора. Мана энди бузқу нафснинг назарий асослари яққол маълум

Долзарб мавзу

хайвоний руҳ деса бўлади. У гўё бир аждаҳо. У нафснинг барча қўриқларини ва поғоналарини ичида ушлаб ётиб, унга қарши курашилмаса, бирдан уйғониб ҳамла қилади.

Умуман зарарли нафсни тўла йўқотиш қийин. Одам ўз камчиликларини сезиши ва уларни тездор йўқотиши мумкин, агарда бу масала онг доирасида жойлашган бўлса. Шундай экан, энди ақл-идрокни шундай ривожлантириш ва таъсир қилиниши зарурий нафснинг ҳозир ҳақидаги таъсир қилиниши зарурий нафси билан суҳбат қилиб, тўғри

ахборотлар ҳам олади. Буларнинг ҳаммаси олиш ҳақида. Олишининг бериши ҳам бор. Инсон меҳнатсиз ҳаёт кечира олмайди. Меҳнат эса атроф-муҳитни, табиатни ўзгартиришидир. Бу ўзгартириш меъёри бўлса, табиат янада гўзаллашади. Рухий эҳтиёт ҳам бор: одам борки, табиат ва санъат гўзаллигидан роҳатланади, музыка ва бадиий адабиётдан завқланади. Буларнинг ҳаммаси ҳозир ҳам эҳтиётчи нафсга кирди. Бундай эҳтиётчи нафс вақт ўтиши билан ўзгариб боради. Ҳозир халқимиз зарурий нафснинг эҳтиётчи нафсга кирдириш имкониятларига эга. Озиқ-овқатлар, замонавий кийим-кечаклар, қулай уй-жойлар, ҳар хил алоқа ва транспорт воситалари, раво кўчалар-у гўзал бинолар борган сари кўпаймоқда. Одамларнинг зарурий нафси қондирилиб борилмоқда.

2. Зарарли нафс. Халқимизнинг иқтисодий имкониятлари кўпаймоқда, онги ошмоқда, турмуши юксалмоқда, жамиятимиз ўз истиқболидан қувонмоқда.

Шунинг билан бирга одамлар турмушида зарарли нафс бутунлай йўқолгани йўқ. Улар: ўғрилик, порахўрлик, манманлик, фирромлик, уриб қолчилик, солиқ тўламаслик, хиёнат қилишлик, гиёҳвандлик, қўролмаслик, ивгогарлик, оғир меҳнатдан қочиб енгил-елпи ҳаёт кечирishi ва ҳоказо. Ҳаммасининг асосида нафс бузқулик ётади.

Бу иллатларнинг ҳар бири ҳақида мисоллар билан кўп гапириш мумкин эди. Лекин бу ҳоллар ҳаммага аён бўлганлиги учун унга ҳоҳат йўқ. Замонлар ўзгарди, тизимлар ҳам. Ўзбекистон мустақил тараққийёт йўлига ўтди. Истиқлолчи инсон бахтсиздир, эркин фикрлаши, янги ҳаёт тарзига ўтиш учун кенг имкониятлар яратди. Фалсафа фанининг асосий йўналишларидан бири бўлган нафс ҳақидаги таълимотни кенг тушуниб етмоқ, унинг асосларини чуқур ўрганмоқ барчамиз учун, айниқса, ёшлар учун зарур ва муҳимдир.

Омонулла ФАЙЗУЛЛАЕВ, фалсафа фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби.

«ОАК бюллетени»



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Олий аттестация комиссияси «ОАК Бюллетени» журналининг 2003 йил 4-сонини нашр эттиди.

Журнал саҳифаларидан ўрин олган фалсафа фанлари доктори Тилаб Маҳмудовнинг «Илм — кашфиёт демократизми» номли мақолада ижтимоий-гуманитар фанлари соҳасидаги илмий-тадқиқотлар, ҳимоя қилинаётган диссертацияларнинг методологик жиҳатдан ислоҳ қилиниши, тадқиқот натижалари илмий кашфиёт бўлиши тўғрисидаги муаммолар кўтарилган.

Шунингдек, бюллетенда илмий ва илмий-педагог кадрларни давлат аттестациясидан ўтказишда ошқоралиқни ва талабчанликни ошириш ҳамда аттестация органлари томонидан йўл қўйилган ҳатолар бошқа тақорланмаслиги учун ОАК Раёсатининг қарорига асосан рад этилган ишлар ҳақида ҳам маълумотлар берилган.

Олимларимиз томонидан ёқланаётган диссертациялар тўғрисида республика илмий ва илмий-педагог жамоатчилиқини кенроқ хабардор қилиш мақсадида журналнинг ушбу сониди 17 та докторлик ва 85 та номзодлик диссертациясининг ҳимоялари ҳақидаги ахборотлар илмий ишларнинг қисқача мазмуни билан биргаликда эълон қилинган. Бундан ташқари, бюллетен саҳифаларида республикада баҳарлаётган диссертация ишларнинг мавзулари тўғрисидаги маълумотлар ҳам келтириб ўтилган.

Зайиндин МАМАДИЕВ

НАФС БАЛОСИ

нафси мулҳима, нафси лаввома, нафси аммора.

Тасаввуф таълимоти бўйича нафс тарбияси қуйидагидек (I поғонадан VII поғонагача) олиб борилади. Яъни одам қилган инсон бўлиши учун аввало энг ёмон нафсни (нафси амморани), сўнгги гафла нундан бўшроқ нафсни (нафси лаввома) ва ҳоказо, ниҳоят нафси марзияни йўқотиб, натижада нафси сафияга етишиши керак.

Аммо, биз бу ерда оддий одам қилган инсон даражасига етишиши учун бу йўлни аста-секин, кетма-кет босиб ўтишини кўрсатмоқчимиз.

Яъни, энгилдан оғирга ўтиш орқали. Аслида тасаввуфдаги дастлабки, аммора поғонаси педагогик жиҳатидан охириги тарбия поғонаси бўлса услуб раво бўлармиди? Ахир, ҳамма нарсани онга боғлиқ-ку. Шунинг учун аввало оннинг ўзини тарбиялашдан бошлаш маъқул. Шундай қилиб, аввало, нафси сафия. Бу ҳозир ҳар бир одамга дахлдор. Чунки бу даражага илғари ҳам, ҳозир ҳам ҳеч ким ета олгани йўқ. Бу — идеал нафс. Агар дунёда ҳар бир одам шу даражага кўтарила олдиди, ҳар хил катта-кичик гулфатлар замини йўқ қилинган бўлар эди.

Нафси марзияга жамиятларда эҳтиёт катта — фан, ма-

рак. Нафс анча жилволанди. Бу поғонадаги ютуқлар: қилинган хатолардан афсусланиш, ачинаши ва тавба қилиш. Моддий нафс анча камағди, маънавий нафс анча ошади.

Мисол. Подшо ҳарамидида қизларнинг ҳаммасига айтибди: барчанглар ҳазинага қилиб, хоҳлаган нарсанингизни олиб чиқинг. Қизлар кириб, шода-шода марваридлар, тилча асбоблар, бриллиант тақинчоқлар олиб чиқишибди. Битта қиз ҳазинага кирмабди. Подшо: қимматбахо тақинчоқлар керак эмасми, сенга? Қиз: менга фақат Сиз ке-

рақиз. Подшо шу қизни танлаганидан оғирга ўтиш орқали. Аслида тасаввуфдаги дастлабки, аммора поғонаси педагогик жиҳатидан охириги тарбия поғонаси бўлса услуб раво бўлармиди? Ахир, ҳамма нарсани онга боғлиқ-ку. Шунинг учун аввало оннинг ўзини тарбиялашдан бошлаш маъқул. Шундай қилиб, аввало, нафси сафия. Бу ҳозир ҳар бир одамга дахлдор. Чунки бу даражага илғари ҳам, ҳозир ҳам ҳеч ким ета олгани йўқ. Бу — идеал нафс. Агар дунёда ҳар бир одам шу даражага кўтарила олдиди, ҳар хил катта-кичик гулфатлар замини йўқ қилинган бўлар эди.

Нафси марзияга жамиятларда эҳтиёт катта — фан, ма-

бўлди. Бу назарий заминни ўрта асрлардан кейинги даврлар яратди, кўп физиологик ва психологик тажрибалар бунга ёрдам берди. Бу муаммода ҳам, албатта, назариядан амалиётга ўтиш талаб қилинади.

Энди масала анча ойдинлашди. Шу муносабат билан Куръонга (12:53) яна мурожаат қиламиз: «Мен нафсимни оқлайман. Чунки нафс — агар Парвардигоримнинг ўзи раҳм қилмаса — албатта барча ёмонликларга буюргувчидир. Ҳа, нафс, ёмон нафс. Жон эмас. Нафси аммора, нафси аммириги, шаҳс ҳаёти устидан ҳукмронлиги. Мана шу нафс одамларни не савдоларга олиб бормади... Роҳатланишлар, кайфлар, мазза қилишлар каби гўзал ва ёқимтой сўзлар нотўғри, мутлақ тушунишлар неча-неча минг одамларни охири натижада тушунлиқка солмади, хароб қилмади, дейсиз. Кийим ва турар жойларга ортиқча зеб бериш, аёлларнинг тақинчоқлари қанча кўп бўлса, шунча чиройли бўлади деб ўйлаш, инсон бойлиги унинг молидидан ва пулидан иборат деб ўйлаш, манманлик, кеккайиш ёки доимо нолиш, бошқаларни менсимасликнинг тақдири халқ оммасига маълумку.

Нафси амморани одамдаги

йўлни топиб олишидир. Бу соҳада буюк мутасаввиф Ғазолий қуйидаги маслаҳатларни таъсия этади:

1) Шахс ўз нафси билан суҳбатлашин ва унга айтсин: Э меннинг нафсим, билгинки меннинг яққаю-яғона бойлигим умримдир... У санқоли нафслардан иборат, эҳтиёт бўл, бу сармомани кўлдан чиқаришга ҳаракат қилма;

2) одам — ўз нафсининг эгаси, ҳеч бўлмаганда мана шу эга сифатида уни назорат қилиб турмоғи лозим, ёмон ишлари учун нафсни жазолаб туриши керак, ҳар ҳолда нафс одамнинг эгаси бўлиб қолмасин. Бу насихатлар ҳануз ўз қучини йўқотгани йўқ.

3. НАФСНИНГ ҲОЗИРГИ ЗАМОН МАСАЛАЛАРИ

1. Зарурий нафс. Нафс — одам ҳаёти учун эҳтиётчи зарурат экан илғари ҳам, ҳозир ҳам ва келажикда ҳам у бўлади.

Биринчи эҳтиёт: атроф-муҳитдан, табиатдан овқат, сув, ҳаво, харорат, энергия олиш. Одам ҳаёти учун қўшимча шароитлар: кийим-кечак, уй-жой, меҳнат қуроллари. Одам — айрим шахс, шахс эса жамият аъзоси. Бинобарин, одам табиатда ва айни вақтда жамиятда ҳаёт кечиради. Шунинг учун одам бошқалардан зарур

Юртимизнинг сўлим гўшалари

Зоминда бўлганмисиз? Булуларга елка тутган осмонлар тоғларга чиққанмисиз? Шу тоғлар қўйнидаги сўлим ва дилқушо боғлар бағрида кезганмисиз? Юртимизнинг Швейцарияси деб ном олган бу жойларда бир бора бўлган киши унинг гўзаллиги, бетакдор табиатига ошуфта бўлиб қолиши, соф ҳавосию зилот сувларидан яна ва яна симиригиси келиши тайин.

Жами 24 минг гектардан кўпроқ тоғли ва тоғолди майдонларни эгаллаган бу жойлар Зомин Халқ боғи тасарруфиди. Йигирма тўрт тақиллик аҳил жамоа боғни табиатга зиён-заҳмат етказмаган ҳолда гуллаб-яшнатиш, уни фуқароларимиз учун ҳақиқий дам олиш масканга айлантириш ниятида астойдил ҳаракат қилаётир. Нозирлар ҳар битта дов-дарахт, ҳар туп гиёҳни асраб-авайлайди. Ям-яшил арчазор ўнгирларни, ёзда ҳам бошдан қор аримас чўқиларни макон тутган хилма-хил жониворлару камёб қушларни кўпайтириш чора-тадбирларини кўради. Мавжуд 2840 гектарлик ўрмонзор, 1758 гектарлик бўш майдон, 902 гектарлик яйлов, бир неча ўн гектарлик сувли ва ботқоқли ерларда ҳаёт қайнади. Ўз касбининг фидойисини бўлган инсонлар бу ерларни янада гўзал қилиш учун сидқидилдан меҳнат қилишапти.

ЗОМИН ХАЛҚ БОҒИ



Суратларда: ўрмон катта нозир Шохобиддин Маматқулов Халқ боғи раҳбарининг илмий ишлар бўйича ўринбосари Бектемир Эргашев билан; арчазор бағридаги сийаттоҳ.

Шавкат АҚРАМОВ олган суратлар

Иқтисод ва ислоҳот

ТАШАББУС БАНКДАН ЧИҚДИ

уни ҳоким маъқуллади, натижада мижозлар кўпайди

— Ҳозирги банкларга ҳам осонмас... Айниқса, банкларнинг «банкирман» деб қўл қовуштириб ўтирадиган пайтимас. Бозор шароитида тўрт тарафга чолмасан, пул қайда, — дея ҳикоя қилади акциядорлик тижорат «Пахта банк»нинг Бағдод бўлими бошқарувчиси Шухрат Йигиталиев. У гап асосида туман ҳокими номига ёзган қатор тақлифлари билан бизни ҳам таништирди.

— Туманимизда саноят хали ривож топганича йўқ. Нақд пул тушушини кўпайтириш ва тартибга солишининг ишончли йўли — бу ўрта ва кичик бизнеснинг ишлаб чиқариш тармоғини такомиллаштириш, холос. Бу гап кўп «сахна»ларда бот-бот таъкидланаётган, амалий ҳаракат суи бўлаяпти. Ташаббусни ўзимиз қўлга олмадик бўлмайди-ган... Агар туманимизда хари-дорғир маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан шуғулланмоқчи бўлган тадбиркорлар бўлса, уларни имтиёзли кредит билан наватбасиз таъминлаш кафолатини бериш тўғрисида ҳоким-

ликка тақлиф киритдик. Ҳоким маъқуллади. Тадбиркорларда ҳам қизиқиш уйғонди. Масалан, фаолият доирасини йилдан-йилга кенгайтириб бораётган «Абдор» кўп тармоқли фирмаси 10 миллион сўм имтиёзли қарз олди. Маънаф юксак сифатли миллий мебель жижозлари ишлаб чиқаришга ишлатиладиган хомашё ва меҳнат унумдорлигини оширишга йўналтирилди. Натижа кутилган-дек бўлди. Илгарилари йиллик 500-600 минг сўмлик соф фойда шу йилнинг ўтган биринчи ярмидаёқ 2 миллион 157 минг сўмдан ошди...

— Биз дастлаб умумтаълим мактаблари, коллежлар ва мактабгача таълим муассасалари учун парта, стол-стул, китоб жавонлари ишлаб чиқарардик, — дейди фирма раҳбари Мухаммадjon Деҳқонов. — Ҳозир эса уй-рўзгор буюмлари — хонтахта, тумбочка, сўри сингари миллий жижозлар тайёрлашга ҳам киришдик. Нақд пул тушу-ми кўпайиб, даромадимизга ба-рака кирди.

Бугунги кунда банк ташаббуси ҳўжаликларда кенг қанот ёйди. «Ҳамдамхўжа» кўп тармоқли хусусий фирмаси қўлолчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамини кўпайтириш учун 3 миллион 900 минг сўм кредит олган бўлса, хусусий тадбиркор Мавлуда Жаҳбарова тикувчиликни ривожлантириш режаси билан 3 миллион 400 минг сўм маблағ олди. «Ўрмон» фермер ҳўжалигига эса мақорон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган замонавий дастгоҳлар учун 10 миллион сўм ажратилди. Банкда ҳозир яна ўндан зиёда ҳар хил бизнес режалар, аризалар ўрганиб чиқилмоқда.

— Нақд пул тушушини кўпайтириш баҳонасида туманимизда ўрта ва кичик саноят ривожланиши олади, — давом этади сўзида Ш.Йигиталиев. — Насиб эса кўп ўтмай Бағдодда ички бозоримиз кўндалик эҳтиёт моллари билан тўлиб-тошади. Ана ўшанда бир келсангиз, ҳаммасини ўз қўзингиз билан қўрасиз...

Абдуваҳоб ҚўЙСИНОВ

ИСТИҚЛОЛ, ИСТИҚБОЛ, ИЗЛАНИШЛАР...

Энг улуг, энг азиз байрам — мустақиллигимизнинг 12 йиллиги республикамиз бўйлаб кенг нишонланмоқда. Ана шундай тантаналар Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетида ҳам бўлиб ўтди. СамДУ ректори, профессор Рустам Холмуродов мамлакатимиз таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилётган ишлар ҳақида тўхталди. Шундан сўнг байрам арафасида «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотланган академик Ботурхон Валихўжаев, «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишон билан тақдирланган биология факультети магистранти Шароф Худойбердиевлар фан, таълим тизимига кўрсатилётган гамхўрлик учун ҳуқуматга ўз миннатдорчиликларини билдиридилар. Шунингдек, тест синовларидан муваффақиятли ўтган йигит-қизлар талабалikka қабул

қилиндилар. СамДУ қошидаги академик лицей ўқувчилари учун қўшалок байрам бўлди. Лицейнинг 1050 ўқувчига мўлжалланган янги замонавий биноси фойдаланишга топширилди. Қурилиш ишларини «Самарқанд-киммекүрилиштрести»га қарашли 703-қурилиш бўлими бунёдкорлари қисқа муддатда сифатли қилиб амалга оширдилар. Янги ўқув биносидаги илк сабоқ Мустақиллик дарси билан бошланди. Самарқанддаги машҳур университет хизбони яна бир маърифат, зиё маскани билан бойиди. Шу куннинг ўзида СамДУ маъмурияти томонидан шаҳардаги 6-мехрибонлик уйи тарбияланувчилари учун байрам дастурхони ё

Инсон хотираси — ази

АДАБИЁТИМИЗ ЧИНОРЛАРИДАН БИРИ ЁД ЭТИЛДИ

Миллий адабиётимизнинг истеъдодли, улкан намоёндаларидан бири, адиб Асқад Мухторни билмаган, асарларини ўқимаган китобхон кам... У «Опа-сингиллар», «Тугилиш», «Давр менинг тақдиримда», «Чинор» романлари, талай қисса, ҳикоя ва драмалари, ҳаётини кузатувларга асосланган фалсафий қарашлари, сўмбўла сувидек тиниқ, гўзал шеърини ҳамда жаҳон адабиёти намуналаридан бадиий юксак таржималари билан XX аср ўзбек адабиётига катта ҳисса қўшган атоқли сўз санъаткоридир.



Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида бўлиб ўтган адиб хотирасига бағишланган анжуманда дастлаб ҳужжатли видеофильм намойиш этилди: ҳажонли лаҳзалар... Адиб умрининг охири кунларида оғир хасталиги боис «тез ёрдам»да уйдан шифохонага келтирилди.

Видеофильм ана шундай кадр билан бошланади. Кейин адибнинг сафдошлари ва шогирдлари хотиралари... Асқад Мухтор ўйлари, хаёллари, туйғулари замирида бўй кўрсатиб турган заковати... Анжуманнинг асосий қисми — яқиндагина «Маънавият» нашриёти томонидан босмадан чиққан — «Асқад Мухтор замондошлари хотирасида» китоби тақдими бўлиб ўтди.

— Асқад Мухтор мураккаб шароитларда яшади, ижод қилди, — деди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов тақдирот бошида. — Жумладан у ҳар бир давр синовларидан мардона ўтди. Замонга ёлгон кўзойнак билан эмас, тийран ва адл кўзойнак билан боқди. Бугун ҳам унинг китоби тақдими, ҳам бетакорр устоз хотирасини ёдлаш учун йилгилангиз. Аввало, китобни яратиш ташаббускорларига минг раҳмат...

Дарҳақиқат, китоб таҳсинга лойиқ. Унда миллий адабиётимизнинг 50 дан ортиқ турли авлодга мансуб вакиллари, шогирдларининг самимий битиклари бор.

Тақдиротда сўзга чиққан таниқли ёзувчи Пиримқул Қодиров, адабиётшунос Ваҳоб Рўзиматов, адиб фарзанди Темурали Мухторов ва бошқалар таъбир жоиз бўлса, адабиётимиз чинорларидан бирига дахлдор хотиралардан сўзлаб беришди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Хайридин Султонов иштирок этди ва сўзга чиқди.

Илҳом КАРОМОВ

Китоб жавонингизга

ТАРИХ — ТАРОЗИ

УНИНГ БИР ПАЛЛАСИДА ТАРИХИЙ ВОҚЕЛИКЛАР ТУРСА, ИККИНЧИ ПАЛЛАСИДА ТАРИХШУНОСЛАР ФАОЛИЯТИ ТУРАДИ

Тарих — тарози. У ўз палласида яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва зиённинг кадр-кимматини мунтазам ўлчайди. Шунинг учун ҳам ҳар бир яхши амалларимизнинг умри боқийдир. У эса минглаб қалбларни ҳайратлантиради. Миллионлаб кўнгилларга нур каби оқиб киради.

Таниқли олим Ҳамид Зиёев кўп йиллардан бери бутун куч-ғайрати ва билимини аямай фан оламида хизмат қилиб келаётди. Марказий Осиё тарихи бўйича йирик мутахассис аллома салкам 60 йилдан бери Ўзбекистон Фанлар академияси тарих институтида узлуксиз фаолият юритиб, бутун ҳаётини фаннинг машаққатли меҳнатида бағишлади.

Ҳамид Зиёев бундан ярим аср муқаддам, яъни 1953 йилда «Шарқий Туркистонда 1826 йил халқ кўзғолони» мавзуда номзодлик диссертациясини ёқлади. Олимнинг мозий ҳақиқатларини излаш йўлидаги узоқ ва мазмунли сафари шундай бошланган бўлса у эллик йил давомида ўзига хос қомусга айланган борди.

Кўп йиллар давомида олиб борилган изланишлар беса-мар кетмади. 1964 йилда «XVI-XIX асрларда Урта Осиё ва Сибир» илмий асари бўйича докторлик диссертациясини ёқлади. Айтиш мумкин тарихи бўйича маърузалар ўқиб келмоқда.

ри асосида кўплаб илмий асарлар нашр эттирди.

Ҳамид Зиёев ўзининг бутун илмий фаолияти давомида ўзбек халқи, умуман минтақамиз тарихи бўйича йирик асарларни тайёрлаш ва нашр эттиришга муносиб ҳисса қўшди. Кўплаб илмий асарларга масъул муҳаррирлик қилди, ҳайъат аъзоси сифатида ҳамкасбларига илмининг ғоятда оғир йўлида ёруғ манзиллар борлигини кўрсатиб берди. Муштабиз тузум йилларида унинг бу меҳнатлари «ўзига хос баҳоланди». Олим бери Ўзбекистон Фанлар академияси тарих институтида узлуксиз фаолият юритиб, бутун ҳаётини фаннинг машаққатли меҳнатида бағишлади.

Унинг бевосита раҳбарлигида етишган фан номзодлари ва докторлари эндиликда ўзлари ҳам устозлик мартабасига эришдилар. Олим мухир педагог сифатида катта ҳурмат қозонди. У XX асрнинг 50-йилларидан то шу кунга қадар олий ўқув юртида талабаларга Марказий Осиё ҳамда жаҳон халқлари тарихи бўйича маърузалар ўқиб келмоқда.



Истиклол йилларида тарихни ҳолис ёритишга хизмат қилувчи қатор сермазун монография, китоб ва рисола-лари, мақолалари чоп этилди. Халқимизни озодлик, эркинлик, ватанпарварлик, мардлик ва жасоратга даъват этувчи ўнлаб мақолалари дунё юзини кўрди. Радио ва телевидение орқали ҳам олим бу оташин ғояларни тарғибот қилишда фаоллик кўрсатиб келмоқда.

Кўни кеча А.Шарофидинов, З.Файзиёва ва Л.Кравецларнинг «Ҳамид Зиёевнинг илмий педагогик фаолияти» ҳақидаги китоби нашрдан чиқди. Уни ўқисангиз, устознинг кўп қиррали иходи билан янада яқинроқ танишасиз ва бир нарсаси ақор бўласиз: Ҳамид Зиёев яратган асарлар тарих ва бугун ўртасида мустахкам кўприк бўлиб хизмат қилади.

Юнус ЗИЁЕВ

Ҳикматли сўзлар маъноси

Икки яхши қасд бўлмас, икки ёмон дўст бўлмас

Мазмуни: «Яхши одамлар бир-бирларига қасд бўлиб, уришиб, жанжаллашиб, бир-бирларига ёмонлик соғиниб юрмайдилар, аксинча бир-бирларини иззат-ҳурмат қиладилар, қўллаб-қувватлайдилар, қўмақлашадилар. Ёмон одамлар эса бир-бирлари билан чин дўст бўла олмайдилар, мабодо бир-бирлари билан қўшилиб қолгудай бўлсалар, ўзаро жанжаллашиб, ёқалашиб, сўқшиб, бир-бирларини беҳурмат қиладилар», дейилмоқчи. «Икки ҳарамза дўст бўлмас», «Итнинг ошмаси бўлмас» («Итфёл одам билан ҳеч ким дўст тутинмайди, ҳамма ундан ўзини олиб қочади», дейилмоқчи), «Итда жиян йўқ, буқада — қайин», «Икки яхши эрикмас, икки ёмон бирикмас» (эрикмоқ — эрикмоқ. Мақолнинг биринчи қисмида: «Икки яхши бир-биридан эрикмайди, ёлқмайди, бир-бирининг кўнглига урмайди», демоқчи бўлинган), «Икки тентак бирикмас, бирикса ҳам эл бўлмас», «Икки яхши дўст бўлса — қил ўтмайди орадан, икки ёмон дўст бўлса — қил кетмайди ёқадан» («Бир-бирининг ёқасидан олиб, урушгани-урушган бўлади», дейилмоқчи), «Икки яхши дўст бўлса — бир-бирига қийишмас, икки ёмон дўст бўлса — кенг дунёга сиғишмас» («қийишмас — бу ерда «бир-бири билан савдоллашиб, таллашиб-тортишмас» деган маънода), «Икки яхши уяда битар, икки ёмон қияда битар» («Яхши одамлар уяда, яъни тор ерда ҳам бир-бирлари билан чиқса оладилар, ёмон одамлар эса бир-бирларига қийиқлик қилиб, «қилдан қийиқ ахтариб», арзмаган нарсаси учун ҳам жанжаллашадилар», дейилмоқчи), «Икки ёмон билиш бўлар, ордидан юкунуш бўлар» (юкунмоқ — пасткашлик билан бир нима сўрамоқ).

Икки қуённи қувлаган — бирини ҳам тутолмас

Бу мақолни мажозан: «Бирдигани катта манфаат кўриш ниятида бир йўлга икки ишинг кетига тушма. Бундай қилсанг, иккаласининг ҳам улдасидан чиқа олмайсан, иккала иш ҳам ўлда-жўлда, чала-чулла бўлиб қолиб кетади. Оқибатда сарфлаган вақтинг ҳам, қилган ҳаракатинг ҳам зое бўлади. Олдин бир ишни батамом битириб ол, кейин иккинчисига қўл ур. Шунда ютасан», деган маънода қўллайдилар. «Икки кеманнинг бошини ушлаган — гарқ бўлади» мақоли ҳам борки, буни юқорида айтилган маънода ҳам, «сотқин» иккиозламачи одам ўз манфаати йўлида бир-бирига рақиб бўлган икки томонга ҳам махфий равишда хизмат қилса, тез орада бу сир ошкор бўлади, унинг шарманчаси чиқади, ҳатто ҳалокатга учрайди», деган маънода ҳам қўллайдилар.

Интер-спорт

Кличколар жангга ҳозирланмоқда

Ака-ука боксчи Кличколар навбатдаги учрашувларни Москвада ўтказиш ҳақида мулоҳаза юритишмоқда. Ҳозирча акаси Виталий Кличко ўзининг навбатдаги учрашувини тахминан 6 декабрь куни АҚШда Хасим Раҳмон, Дэвид Туа ёки Леннокс Льюис билан ўтказмоқчи эканини баён этди. Раҳмон билан Туанинг ўзаро учрашуви режалаштирилган. Демак, Кличко мазкур учрашуви голиби билан рингга кўтарилиши мумкин. «Уйлашманки, Леннокс мен билан жанг қилишга розилик билдиради. Боиси, биринчи учрашувда голиб аниқланмай қолган. Борди-ю у мен билан учрашувдан умуман воз кечадиган бўлса, уни пенсияга чиққан деб ҳисоблашга мажбур бўламан», — дейди Виталий.

Умидвор дуранг

Россия футбол терма жамоаси Европа чемпионати саралаш учрашувини Дублин шаҳрида Ирландия футболчи-лари билан ўтказди. Учрашувда 1:1 ҳисоби қайд этилди. 11 очко тўплаган Россия футболчилари баҳсининг финал босқичига чиқиши мумкин. Бунинг учун рус футболчилари ўз майдонларида Швейцария ва Грузия футболчилари билан бўладиган учрашувда галаба қозонишлари зарур. Навбатдаги учрашув Москвада 10 сентябрь кунини бўлиши кутилмоқда.

Бўлиб ўтган учрашув ҳақида сўзлайдиган бўлсак, биринчи тўпни Лондоннинг «Челси» ўйинчиси Дамьен Дафнинг дарвозабон Сергей Овчинниковни лол қолдириши билан бошланди. Жавоб тўпини киритиш осон кечмади. Лекин навбатдаги ҳужумлардан биринчида Сергей Игнашевичнинг саъй-ҳаракатлари билан ҳисоб тенглашди. Ҳозир Россия футболчилари шийторқ эаётган гуруҳда Швейцария 12 очко билан пешқадамлик қилаётган бўлса, ирландлар 11 та очко билан иккинчи ўринда боришмоқда. Тўртинчи ўринда бораётган Грузия жамоаси ҳисобида 7 та очко бор.

Газетанинг навбатдаги оғини 13 сентябрь, шанба кунини чиққди.

«ЮРТИМГА ФОЙДАМ ТЕГСА ДЕЙМАН...»

ЖАНУБИЙ КОРЕЯДА ЎТКАЗИЛГАН ТАЛАБАЛАР БУТУНЖАҲОН УНИВЕРСИДАСИ ГОЛИБИ, «ШУҲРАТ» МЕДАЛИ СОҲИБИ, ДЗЮДОЧИ АБДУЛЛА ТАНГРИЕВ БИЛАН СУҲБАТ


Ғал оилада вояга етишган. Сизнинг болалигингиз қандай ўтган?

— Сурхондарёнинг Бойсунидан, Тиллақамар деган қишлоғиданман. Бошқа болаларга ўхшаб қўй, мол боқиб катта бўлганман. Шўх бўлганман. Лекин ўйлаб кўрсам, ҳеч кимнинг дилига озор бермаган эканман. Ёшлигим Сурхондарёда ўтган. Кейин Тошкентда мактабда ўқиганман. Отам вафот этганларида олти ёшда бўлганман. Отам раҳматли акаларимга: «шу кенжада бир нарсаси бор, ёрдам қилинглр, ёлғизлашиб қўйманглр, суянглр, зўр курашчи чиқади», — деган эканлар. Ўзи томиримизда курашчилар бўлганда. Мана, ҳозиргача акаларим мени суяб келишади. Доим хабар олиб туришади. Айниқса, Абдувоҳид акам, Карим акам... Карим акам мени Тошкентга олиб келган. Курашдан дастлаб келиноийим иккаласи ўз болаларидан кўра кўпроқ менга эътибор беришади...

— Ёшларга, болаларга айтадиган қандай гапларингиз бор?

— Спорт билан албатта шуғулланглр дейман. Ўшанда бекорчи вақт бўлмайди. Ишлари режалли бўлади. Мен ҳам ёшлигимда футбол ўйнардим. Кейинчалик курашни танлаганман. Спорт билан шуғулланган одам аввало соғлом бўлади, иродали бўлади. Кейин дунёни кўради, дўстлар орттиради. Мен, масалан, оддий қорвадор оилада туғилганман. Нимага эришган бўлсам, ҳаммаси спорт орқали...

— Пеленинг шахсий футбол майдони болалар ихтиёрида. Рональдо болалар



уйига ҳомийлик қилиб туради. Роберто Карлос ҳам кўп саҳаватпеша спортчилардан. Булар бой спортчилар, албатта. Маблағларини турли хайрли ишларга сарфлаб ҳам туришади. Абдулла бой бўлиб кетасми?..

— Менинг ҳам ўйлаган режаларим бор, худо хоҳласа вақти келиб болалар спорт мактаби очаман. У ерда профессионал спортчиларнинг хизмат қилишларини истайман. Лекин, ҳозир биласизми, пул, бойлик ҳақида ўйлаётганим йўқ. Ҳозир мен озроқ юртимга фойдам тегса, мураббийлар ишончини оқласам, дейман. Юргимда яна бир орзум бор: Юртбошимиз бизга кўп эътибор бераяптилар, қўллаб турибдилар. Олдинда жаҳон чемпионати, кейинги йили Афинада Олимпиада бўлади. Худо хоҳласа, Юртбошимиз умидини оқласам, дейман...

Гурунгимиз чўзилди шекилли, Абдулла тез-тез соатига қараб қўйди. Кейин хижолат чекиб, узр сўради: — Ҳозир мураббийларим — Пятаев ва Истомин билан учрашишим керак. Кейин Бойсунга кўнгирик қилмоқчиман...

Биламиз, вақти зиқ, икки кундан кейин яна сафарга отланади.

Кўплашиб — Турғунбой ака, Каримжон ака, Ваҳоб полвонлар билан тахририят ҳовлисига Абдуллани кузатганим чиқдик.

— Президент совғаси, — дея Турғунбой ака гурур билан Абдулла ўтирган «Нексия»га ишора қилди...

— Бу машина ҳам Юртбошимиз совғаси, — деди фахр билан Ваҳоб полвон Карим рулга ўтираётган иккинчи «Нексия»ни кўрсатиб.

Кеча кечқурун Абдулла Тангриев ва бошқа дзюдочиларимиз жаҳон чемпионатида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилиш учун Японияга жўнаб кетишди.

Барча спортчиларимизга оқ йўл ва омад тилаймиз. Жаҳон чемпионати беллашувлари ҳақида газетамизда кенгроқ маълумотлар бериб боришга ҳаракат қиламиз.

Равшан ШОДИЕВ, Мухаммаджон АҲМЕДОВ

3 сентябрь кунини кечга ақин тахририятимизга республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси матбуот хизматидан ҳамкасбимиз Тўлқин Рўзиев кўнгирик қилиб қолди.

— Хушхабар, — деди у. — Ёзинг. Ҳамюртимиз Абдулла Тангриев Жанубий Корееда талабаларнинг Бутунжаҳон университетида дзюдо бўйича оғир вазндаги полвонлар ўртасида олтин медални қўлга киритди...

Ушбу хабар эртасига газетада чиқди.

Абдулланинг сафардан қайтишига эса икки-уч кун бор эди. Унинг акаси Каримжоннинг уйига кўнгирик қилиб, Абдулла Тошкентга келганда учрашиб сўхбатлашишни режалаштириб олдик...

Республика талаба спорт уюшмаси раиси Турғунбой Холдоров берган маълумотномага кўз югуртирамиз: «Тошкент Давлат иқтисодий университети 3-курс талабаси Абдулла Тангриев спортнинг дзюдо ва кураш тури билан шуғулланади. Халқаро тоифадаги спорт устаси, оғир ва мутлақ вазнда Ўзбекистоннинг беш карра чемпиони, Осиё чемпиони, жаҳон биринчилиги совриндори, қатор халқаро турнирлар голиби».

Ўзбек кураши бўйича Президент соврини учун 2001, 2002 ва 2003-йилларда Термизда бўлиб ўтган халқаро мусобақа голиби...

Кўни кеча Абдулла Тангриев тахририятимиз меҳмони бўлди.

— «Универсиада-2003» мусобақаларида дунёнинг 177 давлатидан вакиллар қатнашди, — дейди у. — Универсиада олимпиада ўйинларига ўхшаш мусобақа. Шунинг учун бу мусобақа талабалар олимпиадаси, деб юритилади. Жанубий Кореега 7 нафар дзюдочилар борди. Универсиада баҳслари жуда каттиқ ўтди. Эркин Қодиров, Рамзиддин Саидов бешинчи ўринни олишди. Мен иккинчи босқичда бразилиялик курашчи билан тушдим. У 175 кг. вазнда эди. Бу энди самбодаям, курашдаям кам учрайдиган вазн. Мен ўзим 110 кг. да курашдим.

— Финалда ким билан учрашдингиз?

— Ярим финалда японияликни ютдим. Финалда эса Францияликни очколар ҳисобида енгдим.

— Мутлақ биринчиликда асосий рақиблар кимлар бўлди?

— Ярим финалда Россия вакилини енгдим. Финалда Франциялик яна бир полвон билан чиқдим. Биринчи минутда соф галабага эришдим.

— Галаба қозонганингиздан кейин биринчи бўлиб сизни ким табриқлади?

— Биринчи бўлиб Франция-



лик рақибим табриқлади. Кейин мураббийим.

— Сиз кўп хорижий мамлакатларда бўласиз. Ҳамма жойда ҳам ўзининг ибратли томонлари бор. Корееда спортдаги қайси тажриба сизга кўпроқ ёқди?

— Менга ёққан томони — Корееда энг машхур, тажрибали спортчилар болалар спортда ишлаш учун кўпроқ жалб этиларкан. Биздаям яхши спортчилар бор, уларни болалар спортга тортсак, яхши натижа беради, деб ўйлайман.

— Россиялик Александр Михайлов «Абдулла Тангриев» ҳавфли рақибларимдан, деб ҳисобларкан...

— Михайловнинг ўзи ҳам менга ҳавфли рақиб.

Биринчидан, у мендан 50-60 кило оғир. Россияда бундай оғир вазни спортчилар кўп. Машгулотлар ўтказиш учун у қийналмайди. Бизда оғир вазни дзюдочилар жуда кам. Кейин Японияда ҳам бир-икки нафар дзюдочилар бор, улар ҳам менга ноқулай саналади.

— Бугунги кунда ҳам машхур, ҳам бой-бадавлат спортчилардан ҳисобланган Пеле, Рональдо, Роберто Карлосларнинг болаликлари қийин кечган. Камба-

Advertisement for Safar OSTONOV, TAHRIR HAY'ATI, BOSH MUHARRIR, and other services. Includes contact information and a list of services.